45 26 окт. 1987

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 226 (6. 417) 1987 йил 5 октябрь, душанба Баҳоси 3 тийин

РЕСПУБЛИКАМИЗ «ОҚ ОЛТИН»И 1.000.000 ТОННАДАН ОШДИ

Биз ҳаммамиз—пахтакормиз

Тошкентликлар ҳиммати

Жиззах область, Зарбдор райони (телефон орқали), 5 октябрь. Серқуёш республикамизнинг далаларида азамат пахтакорлар етиштирган «оқ олтин» қийғос очилди. Олтин куз фаслининг ана шу ғанимат кунлари ҳашарчиларнинг бурчи ватанпарварлик намунасини кўрсатишдан иборат. Ана шунинг учун ҳам шаҳарлик ҳашарчилар астойдил бел боғлаб, далаларга отландилар. Зарбдор районидаги қатор хўжаликларга етиб келган Тошкентнинг Киров районидаги корхоналар, муассасалар, илмий-тадқиқот институтлари ва идораларнинг ходимларидан 4 мингга яқин ҳашарчи пахта теримини бошлаб юборди. Уларнинг аҳди ғанимат кунлардан фойдаланиб, бебаҳо бойлигимизни қисқа вақтда йиғиб-териб олиш учун бошланган катта курашга муносиб ҳисса қўшишдир. Зарбдор районининг 12, 13, 16-совхозларида «Узбексельмаш», «Технолог» бирлашмалари, асбобсозлик заводи, республика Олий ва ўрта махсус таълим, Маориф министрликлари ходимлари ишга киришдилар. Киров райони ҳашарчилари дастлабки куннинг ўзидаёқ хирмонга 200 тонна атрофида «оқ олтин» дурдонасини тўкдилар.

Зарбдор районининг 13-совхозида ҳашарда қатнашаётган Тошкент экскурсия ва саёҳатлар бюросининг ходимлари ҳам далаларга чиқдилар. Бу муассасанинг 30 ҳашарчиси дастлабки куннинг ўзидаёқ 40—50 килограммдан пахта теришга эришди. Бюро ходимларидан М. Нисман, У. Абдуллаев, Л. Лаконкина, Р. Рихснев, А. Зельдина сингарилар теримда намуна бўлмоқдалар.

* * *


Жиззах областининг Арнасой райони хўжаликларида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг студентлари хўжаликларда пахта териш машиналарини ишга созлаш ва ремонт қилиш билан шуғулланаётганига бир неча кун бўлди. Студентлар аудиторияда олган билимларини пахта далаларида амалда пухталаш билан бирга «оқ олтин» теримида пахтакорларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Олий ўқув юртининг қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети декани Сунгат Гатаулович Муҳаммаджонов раҳбарлигидаги бу студентлар айни чоқда «зангори кема»ларда пахта теришни бошладилар. Тошкентлик ҳашарчилар Жиззах областининг далаларида пахтакорларга яқиндан мададкор бўлмоқдалар.



Шу кунларда барча тошкентликларнинг фикри-хаёли етиштирилган юксак ҳосилни нес-нобуд қилмай териб олишга қаратилган. Улар ҳосил тақдири ҳақида қайғурибгина қолмай, қишлоқ аҳлига амалий ёрдам ҳам бермоқда: машина ва сабзавотларни, «оқ олтин»ни териб олишга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

СУРАТДА: қалб амри билан пахтакорларга ёрдамга отланган ҳамшаҳарларимиздан бир группаси.

Замондошимиз



ОЛҒА ИНТИЛИБ

Жиддий нигоҳли ушбу замондошимиз 243-граждан авиацияси заводида йигирма йилдан буён ҳалол меҳнат қилиб келаётган Ҳабибулла Алиевич Абдураззоқовдир. Унинг касби электр-монтажчи. 1970 йилдан буён у Коммунистик партия сафида. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими, СССР Аэрофлотн аълочиси. Цех парторги ўринбосари, завод халқ контроли группаси аъзоси, III даражали «Меҳнат Шуҳрати» ордени кавалери, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг бир қатор Фахрий ёрлиқлари эгаси...

Санайверсак меҳнатига яраша тақдирланган мукофотлар, у олиб бораётган жамоат ишларининг адоғи кўринмайди. Ҳабибулла Алиевич бутун эътиқоди билан ҳақиқий коммунистдир. У 80-йиллар коммунисти. Қайта қуриш ва жадаллаштириш программасини амалга оширишда ўз корхонасида фаоллик кўрсатаётган яловбардорлардан бири.

Халқимизда «Дарахт бир жойда кўкаради» деган ҳикматли нақл бор. Ҳабибулла Абдураззоқов ўз меҳнат фаолиятида ана шу ҳикматли нақлга амал қилди. Энг қийин дамларда ҳам ўз корхонасини, жонажон коллективини ташлаб кетмади. Аксинча оғир участкаларда меҳнат қилди, қолоқларни илғорлар сафига олиб чиқди. Эндиликда самолётларнинг электр проводларини ремонт қилиш цехида ўз касбини виждонан оқлаб келмоқда. У етакчилик қилаётган бригада кунлик ва ойлик топшириқларини муддатидан илгари ортиғи билан бажараяпти. Коллектив Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятига яраша баракали меҳнат қиляпти.

Замондошимиз Ҳабибулла Алиевич ҳар тонг ишга кўтаринки руҳ билан борса, зўр завқ-шавқ билан омласига қайтади. Оила чинакам ишчи омласидир. Ўғиллари Ҳасан ва Ҳусан аспирантлар бўлса, ўғли Тоҳир аэропортда шофёр, қизи Шаҳноза «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасида тикувчи, Нилуфар эса электротехника заводида йигувчи, умр йўлдоши Муҳайё ая ҳам ишчи касбини ардоқлаб келаяпти. Қадоқ қўллн онладан бахт аримайди. Чунки улар доимо ҳалолликни улуғлаб келмоқдалар. Бу эса кишини доимо юксакликка чорлайверади.

СУРАТДА: Ҳ. Абдураззоқов.

Т. Каримов фотолари.

17 октябрь—Коммунистик шанбалик куни

Трикотажчилар ҳиммати

Тошкентдаги «Малика» бирлашмасининг меҳнат ветерани, чевар ишчи Қ. Мунавварова шанбалик куни смена нормасини бир ярим баравар ошириб бажаришга сўз берди. Б. Айменова, З. Кудяшева, К. Усмонова бошлиқ бўлган бригадалар 4 мингдан кўпроқ трикотаж буюмлари ишлаб чиқаришга қарор қилдилар. Бу одатдаги кун унумдорлигидан анча юқоридир.

Бирлашманинг барча цехлари коллективлари ҳам юксак марраларни белгилаб қўйдилар. Биринчи фабрика бригадаларида шанбалик кунн 20 мингга яқин буюм ишлаб чиқарадн, устки трикотаж фабрикасида 100 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот тайёрланадн. Бирлашманинг инженер-техник ходимлари территорияни ободонлаштиришда иштирок этадилар. «Малика» бирлашмаси ветеранлари — пенсионерлар, Тошкент политехника институти тайёрлов бўлимида тадсил кўраётган чет эллик студентлар ҳам ҳашарга чиқмоқчи.

Ташаббускор

Тошкент заргарлик заводида Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган. Бу мусобақада корхонанинг металл-аттор лик цехи ишчилари жонбозлик кўрсатишяпти. Цехнинг мусобақа илғори Феруза Шоҳидова 1988 йилнинг сўнгги квартали ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Феруза меҳнат қилаётган заргарлик буюмларига «кўз қўйиш» участкасида маҳсулот сифатини ошириш учун илғор тажрибалар кенг қўлланмоқда. Бу ишларда Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ф. Шоҳидова бош-қош бўлаётн.

Шу кунларда бригада йиллик план топшириқларини Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига ҳадо этиш ташаббускори бўлиб фидокорлик кўрсатяпти.

Мажбуриятга яраша

Ҳайдовчи Маҳмуд Шодиев шаҳримиздаги 2505-автоколоннанинг пешқадам аъзоларидан бири. У «ЗИЛ—130» маркали юк ташувчи автомашинани моҳирлик билан бошқариб Тошкент области ва шаҳардаги нефть базаларидан ҳар куни минглаб автомобиллар учун зарур бўлган ёнилғини ташиб беришда ҳамкасбларига ибрат кўрсатиб ишламоқда.

Маҳмуд Шодиев юбилей йилида зиммасига оширилган мажбурият қабул қилган. Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги юбилейн нишонланадиган кунгача ўн иккинчи беш йиллик нинг икки йили планини бажаришга сўз берган моҳир ҳайдовчи ҳозиргача 6 минг 200 тонна ўрнига 6 минг 256 тонна нефть маҳсулотини ташишга муваффақ бўлди.

Ўз касбининг моҳир устаси ҳамкорлик ҳаракатининг фаол қатнашчиси сифатида ҳам кўпчиликка танилган. Унн тежамкорликда катта меҳнат эгаси десак муболаға бўлмайди. Чунки М. Шодиев амалдаги беш йилликнинг ўтган даврн мобайнида 1 тонна ёнилғини тежаб қолди.

Л. МАТКАРИМОВА.

Алло, редакциями?

МУЛОҚОТГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Ушбу суҳбат йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг бўлажак иккинчи сессияси ҳақида бўлади.

Йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг иккинчи сессиясида СССР Олий Совети Президиумининг «Социалистик мулкни сақлашни таъминлаш юзасидан Қорақалпоғистон АССР халқ депутатлари Советларининг иши тўғрисида»ги қарорини бажариш борасида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг вазифалари ҳақидаги, аҳолининг хатлари, шикоятлари ва аризалари билан ишлашнинг ҳамда граждалар қабулини ташкил этишнинг аҳволи ва уни такомиллаштириш юзасидан белгиланаётган тадбирлар тўғрисидаги масалалар қараб чиқилди. «Оқшом» газеталари саҳифаларида муҳокама этиладиган масалалар юзасидан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг тезислари эълон қилиниб, шаҳар меҳнаткашларига ана шу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ёзма равишда ёки оғзаки равишда (33-72-47, 33-72-38 телефонлари орқали) билдиришларини илтимос қилиб мурожаат этилган эди.

Кенг кўламдаги маълумотларни, амалий таклифлар ва мулоҳазаларни олиш, муаммоларни зудлик билан ҳал этиш заруратидан келиб чиқиб Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети «Оқшом» газеталари билан ҳамкорликда телефон орқали шаҳар меҳнаткашлари билан тўғридан-тўғри мулоқот ўтказишга қарор қилди. Бугун соат 17 дан то соат 19 га қадар 33-99-42 ва 32-53-66 телефонлари орқали берилган сизларнинг саволларингизга Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Шукурулла Раҳматович **Мирсаидов**; унинг ўринбосарлари: шаҳар транспорти ва алоқа масалаларига мутасадди Мансур Маҳмудович **Алиев**; ободонлаштириш бош бошқармасининг бошлиғи Ҳикматулла Еқубович **Охунжонов**, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети план комиссиясининг раиси Валентин Антонович **Котов**; уй-жойлардан фойдаланиш ва уй-жой фондини сақлаш ҳамда шаҳар хўжалигини кузги-қишки даврдаги ишларга тайёрлаш масалаларига мутасадди Леонид Андреевич **Костин**; капитал қурилиши масалаларига мутасадди Козим Носирович **Тўлаганов**; Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети бошқармаларн ва бўлимларнинг бошлиқлари жавоб қайтарадилар.

Агар сиз белгиланган вақт ичида телефон қилолмай қолсангиз мактубингизни редакция адресига почта орқали, «Алло, редакциями?» деган белгини ёзган ҳолда жўнатинг.

Яна бир бор эслатиб ўтамиз: телефон орқали мулоқот бугун соат 17 дан то соат 19 гача ўтказилади. Телефонлар: 33-99-42 ва 32-53-66.

Унутилмас самимий учрашувлар

Бизнинг интервью

ЧИНАКАМ ҚАРДОШЛАРМИЗ

Всеволод КЛОКОВ,

Украина ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, республика уруш ва меҳнат ветеранлари советининг раиси.




— Биз украин ва ўзбек халқлари чинакам қардошлармиз. Бизнинг оға-инилигимиз кечагина бошланган эмас. Унинг тарихи узоқ ва муқаддас курашлар тарихи билан чамбарчас боғланган. Ўзбекистонда қизғин бошланган Украина адабиёти ва санъати кунлари учун мен атайлаб ажойиб совға олиб келдим. Қўлимда «Украинада халқ қураши» деб аталган китоб бор. У яқинда нашрдан чиқди. Катта даврни қамраб оладиган бу асаримда она халқимнинг бошидан кечирган машаққатли ва яхши кунлари ҳақида ҳикоя қилинади. Улуғ Ватан уруши йилларида Украинанинг шаҳар ва қишлоқларида бўлган қизғин ва оғир жангларда ўзбек ўғлонлари ҳам биз билан ёнма-ён туриб жанг қилганлар. Уларнинг довюраклиги, жасорати қалбларимизда абадий сақланиб қолган. Бу китобимда ана ўша жанглар ва уларда қатнашган ўзбек ўғлонларининг мардлиги ҳақида ҳам гап боради. Бу китобни фронтдош дўстларимга совға этиш ниятидаман.

Сизнинг диёрингизда бошланган маданиятимиз кунлари қутлуғ санага тўғри келяпти. Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги арафасида бўлаётган бу тадбир барча эришган ютуқларимизнинг ўзига хос ёркин сарҳисоби ва намойишидир. Дастлабки учрашувларимиз бизда жуда катта таассурот қолдирмоқда. Ҳамма жойда азиз меҳмонлардек кутиб олишяпти. Умуман бу учрашувларимиз республикаларимиз ўртасидаги қардошликнинг байрамидир.

ДЎСТЛИК РАМЗИ

Дмитрий ГНАТЮК,

СССР халқ артисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Шевченко номидаги опера ва балет давлат академик театрининг солисти.



— Ҳозир олтин куз фасли. Украинада ҳам, Ўзбекистонда ҳам ҳосил йиғиштириб олинаётган пайт. Далада иш қизғин. Икки ўлканинг халқи меҳнаткаш, она юрт фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатадиган азаматлар. Бундай пайтда ҳар қандай санъаткор деҳқоннинг меҳнатини баралла куйлайди. Бу табиий бир ҳол. Ўзбекистонда бошланган Украина ССР адабиёти ва санъати кунлари ҳам ана шу деҳқонларнинг меҳнатини улуғлайдиган бир байрамга ўхшаб кетяпти.

Бизни Тошкент шаҳрида нон ва туз билан кутиб олишди. Бу пайтда бениҳоя ҳаяжонландим. Чунки нон ва туз фаровонлигимиз, тинчлигимиз, қардошлигимиз, метиндек дўстлигимиз рамзидир.

Ўзбекистон диёрида бир неча марта бўлганман. Турли гастролларда қўшиқлар куйлаб, ўзбек томошабинларининг ошноси бўлганман. Бу қадимий халқ санъатни, қўшиқни, музикани ғоятда қадрлайди. Ана шунинг учун ҳам бизнинг учрашувларимиз қизғин ва самимий бўлаётир.

В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида маданиятимиз байрамининг тантанали очилишида ўз қўшиғимни баралла куйладим. Бундай қўшиқлар бир ҳафта мобайнида бутун Ўзбекистон диёри узра баралла янграб туришидан бениҳоя қувончдаман.

«ОҚ КАБУТАРЛАР ОСМОНИ»

Собир Раҳимов районининг 3-маданият уйи «Эпицентр» вокал-чолғу ансамблининг мухлисларн кўпайиб бормоқда. Томошабинлар Сергей Лупашко, Федр Садчиков, Владимир Ермолаев, Хосият Қораева, Алла Лупашколар ижросидаги ҳарбий ватанпарварлик, партия, фаровон турмушимизни мадҳ этувчи куй ва қўшиқларини олқиш билан кутиб олди. Ансамблнинг Тошкент маданият ва истироҳат боғларида, Карл Маркс кўчасида ўтаётган оммавий сайллардаги концерти томошабинларга манзур бўлди.

Коллектив «Оқ кабутарлар осмони» музикали программасини томошабинлар эътиборига ҳавола этди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик тўйига бағишлаб тайёрланган программа томошабинларда катта таассурот қолдирди. Ҳаваскор артистлар шу кунларда «Октябрнинг мангу қуёши» адабий-музикали композиция тайёрлашмоқда.

БИЛДИРИШ

ЙИГИРМАНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қиладики, йигирманчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Советининг иккинчи сессияси 1987 йил 9 октябрь соат 16.00 да Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг катта мажлислар залида (Ўзбекистон проспекти, 9) бўлади.

Депутатлар ўша ернинг ўзида соат 15.00 дан рўйхатга олинади.

Об-ҳаво ва саломатлик

5 ОКТЯБРДАН 12 ОКТЯБРГАЧА

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг директорн, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н. М. Мажидов тахрирн остида.

Шу ҳафтанинг биринчи ярмида об-ҳаво булутли бўлиши, ёмғир ёғиши кутилади. Кечаси 4—9, кундузи 16—21 даража иссиқ. Шундан кейин ҳаво яна 4—6 даража исийди.

Илмий-тадқиқот институти медицина метеорологик маълумотлар ва профилактика марказининг маълумотларига қараганда об-ҳавонинг бундай келиши беморларнинг асосий қисмини безовта қилмайди. Бироқ, ҳавода булут кўпайган, шамол кучайган, ёмғир ёғаётган пайтларда улар ўзларини бироз нохуш ҳис қилишлари мумкин. Бундай пайтда қон босими, юрак хасталиги, томир ҳамда бош мия шамоллаши, ўпка ва бўғинлар, айниқса ревмотоидли полиартрит хасталикларига чалинган беморлар ўзларини нохуш сезадилар.

Юрак-томир хасталиклари бўлган беморларга врачлар тавсиясига биноан, қон босимини бир маромга соладнган чораларни кўриш ва оғриқ қолдирадиган дори-дармонларни қабул қилиш маслаҳат берилади. Бўгин ва асаб хасталикларига чалинган беморлар эса оғриқ қолдирадиган дори-дармонларни тегишли миқдорда қабул қилишлари лозим. Меҳнат қилиш ва овқатланиш тартибига риоя этиш керак.

Футбол

«Пахтакор»—«Карпати» АСК—0:1

3 октябрда СССР чемпионатининг биринчи лигасида қатнашувчи командалар навбатдаги тур учрашувларини ўтказишди.

Шу турда Тошкентнинг «Пахтакор» командаси Львовнинг «Карпати» Армия спорт клубини қабул қилганди. Учрашувнинг 40-минутида В. Кухлевский кирнтган ягона тўп ўйин тақдирини ҳал қилди. Шуни айтиш керакки, пахтакорчилар учрашувни дуранг билан якунлашлари мумкин эди. Бироқ, М. Кабаев 11 метрлик белгидан тўпни дарвозага аниқ йўллай олмади. Шундай қилиб, ҳамшаҳарларимиз 36 учрашувнинг 40 очко тўпладн, турнир жадвалининг тўртинчи погонасини эгаллаб турибдн. Шу турнинг қолган учрашувларн қуйидагн натижаларни берди: «Локомотив» — «Крилья Советов» — 3:0, «Кузбасс» — «Геолог» — 1:1, «Помир»— «Черноморец» — 1:0, АСК Р. — «Шинник» — 1:1, «Заря» — «Даугава» — 1:0, «Котайк» — «Динамо» Ст. — 2:0, «Спартак» — «Ростсельмаш» — 4:0, «Торпедо» — «Колос» — 1:1, «Динамо» Бт. — «Металлург» — 3:4, «Факел» — «Ротор» — 1:0.

Навбатдаги турда, эртага пахтакорчилар чемпионат пешқадами Одессанинг «Черноморец» командасини қабул қилишади.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ГРУППА ТАШКИЛОТЧИСИ

Илҳом Раҳимжонович ҳали ёш. Уни дастлаб кўрган киши катта бир корхонанинг масъулиятли участкаларидан бирида-ги коммунистларга етакчилик қилади деб ўйламайди. Аммо у билан суҳбатлашган киши ҳозирги қайта қуриш ва жадаллаштириш даври вазифаларини коллективнинг, коммунистлар эътиборини нималарга қаратиш зарурлигини у жуда яхши ҳис этганлигини кўрсатади.

1984 йилда у «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга келди. Дастлаб шофёрлик қилди. Ўша пайтдаёқ у Тошкент автомобиль ва йўллар институтида ўқишни давом эттирарди. Ҳозир эса у шу институтнинг автомобиль транспорти экономикаси факультетининг 6-курсида таҳсил кўрмоқда. Корхонада эса транспорт инженери бўлиб ишлаяпти. Бўлимда 50 нафар ишчи-хизматчи бор. Ўтган йили бўлим коммунистлари унга катта ишонч билдириб, партия группасининг ташкилотчиси этиб сайлаган эдилар. Мана, орадан бир йил ўтди. Хўш, ёш коммунист ўзига билдирилган ишончни қай даражада оқлади? Бўлимда коммунистларнинг етакчилик ролини, уларнинг фаоллигини оширишга эришдими? Ахир, бу борада кўп нарса партия группасининг ташкилотчисига боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас-ку.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши қизғин ўтди. Бутун мамлакатимизда қайта қуриш ва жадаллаштириш жараёни шиддатини мана шу кичик коллективда ҳам яққол ҳис этиш мумкин эди. Негаки, ҳисобот-сайлов йиғилиши танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Ишларга холисона баҳо берилди. Бўлимда ташкил этилган уч бригада фаолиятига конкрет баҳо берилди. Айниқса, транспорт ва қурилиш бригадалари ишлари ҳар томонлама жиддий таҳлил этилди.

— Шуни рўй-рост ва очиқ тан олиб айтиш керакки, — деди партия группасининг ташкилотчиси Илҳом Эшбоев, — партия ташкилоти бу шароитда етарлича актив ва аниқ иш олиб боролмади. Кўпгина масалаларда у пассивлик кўрсатди. Ташаббускорлик етишмади. Ишда изчиллик етишмаганини эса, бунга сабаб бўлди.

Шундан сўнг ҳисобот даврида партия группаси олиб борган ишлар бирма-бир таҳлил этилди. Бу даврда олти марта партия йиғилиши ўтказилди. Уларда КПСС Марказий Комитетининг январь ва июнь Пленумлари қарорларини амалга ошириш юзасидан бўлим коллективи, коммунистлари олдида турган вазифалар, кузги-қишки мавсумга бригада ва участкаларни тайёрлаш, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига Коммунистик шанбаликка тайёргарлик кўриш, бўлимда ишларни қайта қуриш ва жадаллаштириш сингари вазифалар муҳокама этилди.

— Биргина коммунистлар куч-ғайрати билан бўлим олдида турган барча янги вазифаларни ҳал этиш мумкин эмас, — деди у. — Бизнинг кучимиз, қудратимиз коллективга, унинг ижодига, ташаббускорлигига, куч-ғайратига таянишдадир! Бу борада эса коммунистларимиз ҳар томонлама етакчилик ролини ўйнаши керак.

Унинг бу фикрини йиғилишда сўзга чиққан коммунистлар қўллаб-қувватлашди. Бўлим бошлиғи Ғ. Б. Саидов, унинг ўринбосари М. И. Фукслар асосий эътиборни транспорт участкасининг ишини жонлантиришга қаратдилар. Бу участка бутун ишлаб чиқаришнинг муҳим ҳалқаларидан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқариш планларининг муваффақиятли бажарилиши транспорт воситаларининг бир маромда ишлашига боғлиқдир. Шу сабабли ҳам унинг ремонт зонасини намунали йўлга қўйиш ҳақида жиддий гап борди. Бу ерда аҳвол чатоқ. Сўзга чиққан коммунистлар автомобилларнинг ремонти ва уларга техника хизмати кўрсатиш шароитини кескин яхшилаш ҳақида жон куйдирдилар.

Бригада бошлиғи Абдумалик Одиловнинг фикри кўпчиликка маъқул бўлди. У ишларни қайта қуриш ҳақида гапирди. Бу ҳақда қуруқ сўз юритишдан, энди амалий ишга ўтиш даври аллақачон етган! Лоақал, транспорт воситаларининг гоҳида етишмай қолиши, шу чоққача бўлимда экскаватор йўқлиги, унинг бошқа жойлардан келтирилиши фақат бўлим ишчи-хизматчиларининггина эмас, балки бутун бирлашма коллективининг қўлини боғламоқда.

Ишчи-қурувчи Ренат Тюменов бўлимда ҳисобот даврида қурилиш бригадаси ташкил топганлигини қувонч билан таъкидлади. Бироқ, у ўз эътиборини кўпроқ камчилик ва нуқсонларга қаратди. Масалан, зарур қурилиш материаллари билан бригада ўз вақтида таъминланмаяпти. Иш фронти билан таъминлашда ҳам оперативлик етишмаяпти. Шу ўринда қурувчиларнинг янгича ишлашга ўтганликларини, бутун бригада пудрат асосида ишлаётганлигини ҳисобга олсак, юқоридаги нуқсонларнинг қанчалик ишнинг белига тепишн аён бўлади. Ҳозирги вақтда фақат бригадагина эмас, балки цех ҳам хўжалик ҳисоби асосида ишлашга тайёргарлик кўраяпти. Сиртдан қараганда, коллективда янгичасига ишлаш кайфияти ҳукм сураётганга ўхшайди. Аммо ишнинг моҳиятига назар ташласак, кўпгина камчиликлар борлигини кўрамиз. Фақат қурилиш материалларигина эмас, балки қолипларни ҳам ўз вақтида етказиб бермаслик ҳоллари юз беряпти. Наҳотки, токарлик, фрезерлик участкалари ёмон ишласа, у бутун йиғув цехи ишига салбий таъсир этишини айтиб ўтириш шарт бўлса.

Бироқ коммунистлар нуқсонларни қуруқ қайд этибгина қолмай, балки уларга барҳам бериш йўлларини ҳам белгиладилар. Кўпгина камчиликларнинг олдини олиш учун бу ерда ишни икки сменада ташкил этишга қарор қилинди.

Бутун ҳисобот-сайлов йиғилиши мобайнида ишларни янада яхшилашга қаратилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ўртага ташланди. Бўлим коммунистлари ва бутун коллективи намуна олиши мумкин бўлган илғор тажрибалар ҳам тилга олиб ўтилди. Масалан, бу ерда бригада совети кўнгилдагидек иш олиб бораяпти. Р. Тюменев, В. Носков, В. Гостенинлар ишларни қайта қуриш ва жадаллаштириш даврида айниқса активлик кўрсатишяпти. Бригадага моҳир мастер С. Г. Мороз етакчилик қилмоқда. Бу бригада қандай муаммо туғилса, уни биргаликда ҳал этмоқда. Аммо ана шу илғор бригада ишидаги нуқсонлар ҳам ошкора айтилди. Масалан, ҳали улар юқори меҳнат унумдорлигига эришолмаётирлар. Ишларни ташкил этишдаги баъзи ноаниқликлар туфайли бўш туриб қолиш ҳоллари рўй бермоқда. Коммунистлардан Ғ. Б. Саидов ва М. И. Фукслярга бундан буён конкрет қандай муаммолар устида иш олиб бориш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Пешқадам ишчилардан Насрулла Жаҳонгиров, Александр Прокофьев, Владимир Гостенинлар бирлашма маъмурияти партия ва бошқа жамоат ташкилотларининг фахрий ёрлиғи ва ташаккурномаларига сазовор бўлдилар. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига бўлим коммунистлари етакчилигида бутун коллектив беш йилликнинг икки йили планини бажариш учун астойдил меҳнат қиляпти.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида фақат ишлаб чиқариш масалаларини эмас, идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишлар ҳам холисона таҳлил этилди. Бу борадаги камчиликларга барҳам бериш юзасидан таклифлар айтилди.

Бўлим коммунистлари Илҳом Эшбоевга катта ишонч билдириб, уни партия группаси ташкилотчиси этиб қайта сайладилар.

«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Алишер Абдураҳмонов билан суҳбатимиз чоғида гап бенихтиёр И. Эшбоев ҳақида борди.

— У ёш бўлса ҳам ташаббускор, энг муҳими эса туғилган муаммоларни тезликда ҳал этиш йўлларини излайди. У коммунистларга, бўлим ишчи-хизматчиларига ғамхўр, меҳрибон, ҳисобот-сайлов йиғилишидан олдин ишлари бошидан ошиб-тошиб ётганига қарамай, Баҳром исмли ишчининг уйига ҳол-аҳвол сўраб борибди. У анчадан буён бетоб эди. Кейинчалик билсак, шифохонага ҳам бориб кўрган экан. Илҳомжон пахтачилик машиналарини механизациялаш ва автоматлаштириш конструкторлик-технологик бюроси партия ташкилотчининг энг яхши партия группаси ташкилотчиларидан бири ҳисобланади. Ҳар ойнинг биринчи сешанбасида барча партия группалари ташкилотчиларини йиғиб, улар олдидаги реал вазифаларни белгилаб олаяпмиз. Уйлаймизки, Илҳомжон Эшбоев ўзига билдирилган юксак ишончни оқлайди!

Ҳ. ИКРОМОВ.



Подшипниклар ремонти заводида кўп станоклик ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. Бунинг эвазига коллектив ҳисобида қувончли натижалар қайд этилаётир. Коммунист Юрий Михайлин ҳам айни кунларда иккита ўрнига учта станокни бошқариб, смена нормасини бир ярим ҳиссага адо этмоқда.

СУРАТДА: Юрий Михайлин иш устида.

Х. Мирзакаримов фотоси.

Тошкент комсомоли
ВЛКСМ
№ 10 (210)



Улар биринчи эди

Умр мазмуни

Ғиштқўприк узра қоронғулик чўкди. Комилбой бу кеч хонадонига бир гуруҳ йигитларни йиғди. Унинг мақсади қишлоқдаги комсомоллардан ўч олиш эди. Йигитлар хурмачаларига сиққунча ичиб, сўздан адаша бошлагач, Комилбой мақсадга кўчди. Бугун комсомоллар етакчиси Ҳайдар батракнинг қизи Салимани ўлдиришга қасд қилишди. Ҳаммаёқ зимистон. Бойнинг гумаштала-ри ана шу қора ниятда Ҳайдар батракникига қараб йўл олдилар. Шу пайт қоронғулиқдан бир отлиқ ўқдек учиб чиқди-ю, шаҳар томон от қўйиб кетди. Бу дугонаси орқали бойнинг қабиҳ ниятидан хабар топган Ҳайдар батракнинг 13 яшар қизи Салима эди. Йигитлар ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб ташладилар. Лекин комсомол етакчиси ҳеч қаерда йўқ эди. Бадмаст ғаламислар алами-дан қизнинг отасини ўлгудек савалаб, қароргоҳларига қайтиб кетдилар. Нега энди бой бу қизчадан ўч олмоқчи бўлди? Чунки Салима ўша давр-дагси ўтюрак комсомол-ларнинг ҳақиқий аъзоларидан бири эди. У ёш бўлишига қарамай 12 ёшида комсомолга кирди, паранжисини биринчи бўлиб ташлаб, бошқаларга ибрат кўрсатди. Комсомол Салима Машраббоева ўз маҳалласи бўлмиш Ғиштқўприкка келиб, комиссар Равшан Шокиров билан биргаликда митинг уюштирди. Салима сўзини тугатгач, паранжисини ёниб турган оловга улоқтирди. Унинг кетидан бошқалар ҳам паранжиларини гулханда куйдириб ташладилар. «Очиқ қиз» деб ном олган комсомол қизнинг бу ишлари дин пешволари ва бойларга ёқмади. Улар яна комсомол қизни таъқиб этишди, довюрак қиз улар қўйган тузоқдан чиқиб кетар, бойлар тиш қайраганча қолар эди.

1929 йилнинг декабрь ойида Салима ва бир группа комсомоллар Москвага ўқишга юборилди. Москвада у Лутфихоним Саримсоқова, Карим Зокиров, Сора Эшонтўраевалар билан учрашди. Пойтахтдаги Красновосточная тўқув фабрикасида 1931 йил май ойигача ўқиб, кадрлар тайёрлаш инструктори дипломига эга бўлди. Энди унинг активлиги янада ошди. Айниқса ўзининг ташкилотчилиги, жонкуярлиги ва меҳнатсеварлигини комсомол ишига бахшида этди. У Фарғона фабрикасида Ф. Э. Дзержинский номли комсомол ячейкаси секретари бўлиб ишлаган йилларида ҳам анча ибратли ишларни амалга оширди. Салима бу фабрикада 4 йил ишлади. Лекин мана шу тўрт йил ичида Салима катта ҳаёт тажрибасини ўтади.

Бу йилларда унинг асосий вазифаларидан бири комсомол ишларини жонлантириш эди. Салиманинг жонкуярлиги туфайли ячейкадаги комсомоллар сони кўпайди. 1934 йилга келиб фабрикадаги ячейка Ўзбекистондаги энг яхши ячейкалардан бирига айланди. 1934 йил у Тошкентга қайтди ва тўқимачилик комбинатида ёш-хотин-қизлар билан ишлаш бўлими бошлиғи этиб тайинланди. Комбинат ўша даврда энди ривожланаётган саноат корхоналаридан бири бўлганлиги учун, бу ерда хотин-қизлар жуда ҳам зарур эди. 1935 йил сентябрда Салима Машраббоева фаол хотин-қизлар сафида биринчи ёш-хотин қизлар съездига делегат қилиб сайланади. Съездда уни Бутуниттифоқ ёш хотин-қизлар съездига Ўзбекистондан делегат қилиб сайладилар. Съезддан олинган сабоқлар Салимани янги ташаббусларга ундади.

1937 йил Салима учун қувончга бой бўлди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Салима Машраббоевани махсус топшириқ билан Ғузор районига юборади. Унинг асосий вазифаси балоғатга етмаган қизларни турмушга бериш муаммосини, комсомол ишларини текшириш эди.

У кунларни Салима ая шундай хотирлайди:

— Ғузорга бориб ҳайратдан ёқа ушладим. Янги очилган мактабларнинг бир нечтасини бойлар қуйдириб ташлаган, қолганлари эса мачитларга айлантирилган эди. Комсомол секретари қаёқлардадир қочиб юрар эди. Комсомолларни тўплатўғри ўша мактабларга бошлаб бориб, митинглар ўтказдим. Айниқса ёш қизларни мажбурлаб турмушга бераётган ота-оналарни қаттиқ танқид қилдим.

Улуғ Ватан уруши йилларида Салима Машраббоева пропагандист сифатида катта ишларни амалга оширди. 1943 йил комсомол йўлланмаси билан Салор ГЭСи қурилишига агитатор сифатида боради. ГЭСда жонбозлик қилиб меҳнат қилаётганларни ўзининг ватанпарварлик руҳидаги суҳбатлари билан ҳушнуд этади. 1954 йилдан «Тошкент» мебель бирлашмасида ишлай бошлаган Салима Машраббоева, ҳозиргача шу корхонада катта мастер бўлиб меҳнат қиляпти. Ая ҳозир 68 ёшда бўлишига қарамай ўз касби ва корхонасини ташлаб кетмади. У корхона сифат секциясининг етакчисидир. Салима Машраббоева ҳалол меҳнатлари туфайли бир неча бор Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. Унинг кўксини 10 дан ортиқ медаллар безаб турибди. Салима аянинг 3 қизи, 12 невара, 3 чевараси бор. Катта қизи Дилоромхон инженер, Раъно савдо ходими, Дилбар эса ёшларга таълим-тарбия бериш ишлари билан машғул. Салима аянинг жони-дили — ёшлар. У Фрунзе районидаги мактабларда тез-тез бўлиб туради. Мактаб ўқувчиларига тез-тез ҳикоя қилиб беради. У ёшларни 20—30 йиллар комсомоллари жасоратидан ўрнак олишга ундайди.

С. ИКРОМОВ.

СУРАТДА: С. Машраббоева.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Тошкент чинни заводининг комсомол-ёшлари юбилей арафасида ҳар қачонгидан уюшқоқлик намуналарини кўрсатиб, меҳнат қилаяптилар. Оловқалблар бирлашган бригадалар ўтган иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилида ҳам зафардан зафарга эришиб келган эдилар. Айниқса, эришилаётган ғалабаларнинг салмоғи бу йилнинг ўзида янада ошди. Йилнинг ўзида Тошкент шаҳар Совети депутати, ВЛКСМ аъзоси Фотима Маҳмудова етакчилигидаги коллектив корхонада машҳур. Ўтюрак ёшлар ҳар куни 100 донадан «Оҳу» комплекти ҳамда турли рўзғор идишларига гул туширишмоқда.

— Эзгу ниятимиз, — дейди бригада бошлиғи Ф. Маҳмудова, — халқнинг кўнглига манзур бўладиган чинни чойнак, коса, пиёла, лаган ва бошқа рўзғор буюмларидан кўпроқ ишлаб чиқариш. Мақсадимизга эришиш йўлида эскирган усуллардан воз кечиб, янги технологияни ишимизга жорий этаяпмиз. Бу ҳақда ВЛКСМ XX съездида «Қайта қуриш комсомол ишининг амалий тажрибасини мунтазам ва чуқур ўрганишга мустаҳкам таяниши, барча қимматли, энг илғор ғояларни ўзига сингдириб олиши керак», дейилади. Биз ҳам съезд кўрсатмалари асосида ишимизни қайта қуришни янада оширяпмиз. Янгича методда ишлашга ўтишимизга устозларимиз Н. Қосимова, Г. Алимов, Й. Охунбобоев номидаги энгил саноат ходимлари Тошкент область мукофоти лауреати С. Ғафурова сингарилар яқиндан кўмаклашдилар.

Бригада аъзолари юбилейолди мусобақасида актив иштирок этишмоқда. Улар корхонадаги комсомол-ёшлар бригадалари ўртасидаги беллашувда бир неча маротаба ғолиб чиқиб, биринчи ўринни эгаллашди. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи плани муддатидан илгари бажарилиб, белгиланганидан 40 дона «Оҳу» комплекти ортиқча тайёрланди. Энг муҳими шундаки, гул туширувчилар ҳали ёш бўлсалар ҳам, етарлича тажриба тўплашган. Ана шунинг учун комсомол чинниисозлар қўлидан чиқаётган комплектлар сифатига юқори баҳо берилаяпти.

Коллективнинг иш вақтидан ва янги замонавий гул туширишт техникаси кучидан тўла фойдаланаётган И. Асомова, Д. Маҳмудова, Ғ. Алимов сингари олов қалблари кунлик норма-дан 130 процентгача етказиб бажараяптилар. Улар Октябрнинг 70 йиллик юбилейи нишонланадиган кунгача йиллик планни адо этишга қарор қилишган.

Б. ЭРГАШЕВ.

ЁШЛАР МУСОБАҚАСИ

СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 70 йиллигини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олиш ниятида астойдил интилишмоқда. Айни кунларда корхонада турли вазифани бажараётган 20 цех мавжуд. Яқинда биз шу корхонанинг С. Ромелис бошчилик қилаётган 7-цехида тер тўкаётган меҳнаткашлар ҳузурида бўлиб, коллектив ишлари билан танишдик.

Бу цехда ҳозирги пайтда 330 нафар ишчи ишлайди. Айниқса, бу коллективда комсомол-ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Азаматлар самарали меҳнат қилиб, зиммаларига юкланган вазифаларни шараф билан адо этишяпти. Цехда тузилган комсомол-ёшлар бригадалари ўртасида корхона комсомол комитетининг ташаббуси билан социалистик мусобақа йўлга қўйилган. Ғолиблар меҳнатига яраша рағбатлантирилади.

Коллективда бир беш йилликда икки беш йиллик планларини адо этишга аҳд қилган комсомол пармаловчи, слесарь-токарлар ҳам бор. Улар устозлари изидан бориб, кунлик нормаларини 1,5 бараварга етказаяптилар. Н. Коблев, Н. Эгамбердиев, Р. Мўминов, М. Ортиқов кабилар шу кунларда ишлаётгани йилнинг март ойи ҳисобига маҳсулот топшириш режасини 103,5 процентга адо этишга азму-қарор қилишган.

У. МУҲАМЕДОВ.

Уйсозлар вахтаси

Юнусобод массивидаги Мирзаахмедов кўчасининг қиёфаси кейинги йилларда ўзгариб бормоқда. «Главташкентстрой» 2-уйсозлик комбинати қурувчиларининг куч-ғайрати туфайли ҳозир шу кўчада 9 қаватли турар жой бинолари қад ростлади. Ойнаванд айвонли, ёрдамчи хоналари бўлган кўп квартирали уйлар массив ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

Уйсозлар СССР Конституцияси кунини зарбдор меҳнат совғалари билан кутиб олмоқдалар.

Бинокорлар 108 ҳовлиси 9 қаватли кўп қаватли бинонни фойдаланишга тахт қилиб қўйишди.

Бошқармада ташкил этилган социалистик мусобақада Зокиров, В. Мухин бошлиқ бригадалар пешқадамлик қилишаяпти.

Шимолдан мактуб

Хасис эмасман, аммо...

Ҳар ким ўз фарзандини севади. Бу ҳақда тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Мен ҳам, гарчи онламиз ажралиб кетган бўлса ҳам қизчамни ҳамма нарсадан устун кўраман. Шу сабабли унга ёрдам беришдан ҳеч қачон қочмайман.

Хотиним билан ажралишимизнинг сабаби: ота-онамнинг раъйига қараб шу қизга уйлангандим. У мени севмас эди... Ингитлик ғурурим йўл қўймади... Жанжалларимизга халқ судида нуқта қўйилди.

Район комсомол комитетидан Шимолга — зарбдор қурилиш майдонларидан бирига йўлланма олиб, ишга кетдим. Бир-икки йил меҳнат қилиб, озгина пул жамғаргач, қайтаман, деб ўйлагандим. Маошим кўпроқ бўлса, кўпроқ нафақа тўлайман, қизим — Нигорага ёрдамим кўпроқ тегади, деб ўйлагандим (халқ суди иш ҳақимдан 25 процентини ундириб олиш ҳақида ҳукм чиқарган). Ҳақиқатан ҳам маошим катта бўлди. Тўлайдиган нафақа пулим юз-бир юз эллик сўмдан ошиб кетди. Бироқ уч йилдан бери ишлаяпман. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг. Бу пулларни мен фақат гина қизчам учун ишладим. Яқинда шу қизчамни соғиниб, кўриш учун Тошкентга келган эдим. Бир нарса мени лол қолдирди.

Шимолнинг оғир шароитини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Фарзандимга ёрдам бериш учун ҳалол тер тўкдим. Аммо ким номард эркаклар собиқ оиласига қайтиб пул тўлаш учун атайлаб маоши кам ишга киришади. Мен эса бунинг тескарисини қилдим. Эшитишимча, хотинимни ота-онаси турмушга беришибди. Хотинимга эса унинг эри ҳам ҳеч қаерда ишламай, қизчам учун тўлаётган нафақам ҳисобига яшаётган экан.

Хасис эмасман. Қизчам учун маошимнинг ҳаммасини беришга тайёрман. Ўзингиз холис баҳо беринг, собиқ хотинимнинг бутун оиласини боқишга мажбур эмасман-ку.

Т. ЭСОНОВ.

Шаҳар—қишлоққа

Ҳиммат

Молия техникумининг бир группа студентлари ўтган йили Калинин районидаги «Гагарин» совхозида етиштирилган сабзавот ва полиз маҳсулотларини йиғиб-териб олишда активлик кўрсатган эди. Бу йил ҳам улар бу хайрли ҳаракатдан четда қолмаяптилар. Айни кунларда 150 нафар студент Тошкент областининг Чиноз районидаги «Олмазор» совхози далаларида етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишда совхоз ишчиларига ёрдам бермоқдалар. Уларнинг ҳар бири кунига совхоздаги 6-бригаданинг мевазор боғларидан 220 килограммдан узум ёки олма йиғиштириб олишга муваффақ бўляпти.

— Ғанимат кунларни бой бермай, соҳибкорларга ёрдам бераётганлигимизнинг боиси бор, — дейди биз билан суҳбатда техникум директорининг ўринбосари Надежда Николаевна Прибилова. — Кун ўтгани сайин об-ҳаво ўзгариб бормоқда. Бу етиштирилган маҳсулот сифатига путур етказади. Унинг ҳар бир килограмми-ни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш эса эл-юрт тўкин-сочинлигини таъминлашга муносиб улуш бўлиб қўшилади. Буни дилдан ҳис этган студент-ёшларимиз вақтни бой бермай ҳосилни йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан олиб боришяпти. Уларнинг дам олиш соатлари эса ҳар хил маданий-оммавий тадбирлар билан қизиқарли ўтмоқда.

Э. ИБРОҲИМОВ.

Дунё хабарлари
ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

БМТ Бош ассамблеясининг биринчи комитети иш бошлади

НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош ассамблеяси 42-сессиясининг сиёсий масалалар ва хавфсизлик, жумладан қуролсизланиш масалаларн билан шуғулланувчи биринчи комитети иш бошлади.

Комитет ишининг кун тартибига халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг кенг қамровли системасини вужудга келтириш, ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва ядровий қуролсизланиш, ядро синовларини кенг кўламда тақиқлаш, космик фазода қуролланиш пойгасининг олдини олиш, химиявий қуролни тақиқлаш ва тугатиш кабн ғоят муҳим масалалар қўйилган.

БМТ Бош ассамблеясининг олдинги сессиясидагн биринчи комитет раиси Зигфрид Цахманн делегатлар халқаро майдонда муҳим воқеалар содир бўлаётган шароитда иш бошлаётганликларини айтди. Энг аввало, деди у, бу ўртача ва кам олислик ракеталари юзасидан СССР билан АҚШ ўртасида яқинда ахдлашувга эришилганлигига тааллуқлидир. У ана шу классдаги ракеталарга оид шартнома муваффақиятли тузилиши қуролсизланишга доир, жумладан стратегик ракеталарни қисқартириш тўғрисида олиб борилаётган бошқа музокаралар ҳам муваффақиятга эришишга кўмаклашади, деб ишонч билдирди. Бу соҳада муваффақиятга эришиш мумкинлигини сезган ҳолда, деб таъкидлади З. Цахманн, ракетадан мудофаа ва космосда қуролланиш пойгасининг олдини олишни мустаҳкамлаш юзасидан куч-ғайратларни активлаштириш айниқса муҳимдир.

БЕШ АСР САҚЛАНГАН ПИШЛОҚ

Ирландиянинг Типперэри шаҳри яқинидаги торф қатламн орасидан каттагина пишлоқ бўлаги топилди. Олимлар бу пишлоқни беш аср илгари тайёрланган деб ҳисоблашмоқда.

— Пишлоқни бемалол истеъмол қилса бўлади, — деди археолог Тони Кандэм.

Вазни 50 килограммга тенг пишлоқ бир ярим метр ер остидан топилди. Маълумки, ўтмишда озиқ-овқатни узоқ вақт сақлаш учун ерлик аҳоли уларни ботқоқликларга кўмиб қўйишган. Пишлоқ бўлаги тўқилган қалин газламага ўралган экан, деб хабар беради Болгариянинг «Наука и техника» журнали.

ЮЗ ХИЛ КАЛЕНДАРЬ

Ҳозирга қадар Ҳиндистонда юзга яқин ҳар хил календарлардан фойдаланилади.

Мамлакатнинг деярлик ҳар бир штати ўзининг вақт ўлчов системасига эга. Календарлар бир-биридан янги йилнинг қайси кундан бошланиши, ойларнинг сони ва номи ҳамда улардаги кунлар сони билан фарқ қилади. Мамлакат маъмурлари ягона вақт ўлчов системасини жорий этишга кўпдан бери ҳаракат қилиб келишяпти. Аммо бунга аҳолининг кўп асрлик анъаналари ва одатлари тўсқинлик қилмоқда, деб хабар қилади «Пломичек» (Польша) журнали.

20 ЙИЛЛИК ТАНАФФУСДАН СЎНГ

Саудия Арабистонида истиқомат қилувчи бу қиз 20 йилдан бери карсоқов ҳисобланар эди. Яқинда у тўсатдан тилга кирди. Бу воқеа қизнинг олдида ота-оналари унинг тўйини ташкил этиш режаларини муҳокама этаётган вақтда содир бўлибди. «Мендан 25 ёш катта бўлган кишига тўй мушга чиқишим ҳақида гап-сўз ҳам бўлиши мумкин эмас», — деб қатъий рибди у. Қизалоқ беш ёшлигида тилдан қолиб, врачлар касаллик сабабини аниқлаш ва ёрдам кўрсатиш йўлини топа олмаган эканлар. Энди бунга ҳожат ҳам йўқ.

Калейдоскоп



АДАБИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК

ҚАРДОШЛИК САҲИФАЛАРИ

ЎЗБЕК ва украин халқларини минглаб километр масофа, бепоён дала ва денгизлар, тоғлар ва дарёлар бирбиридан ажратиб турсада, бу халқлар тарихида умумий, ҳар иккаласи учун муштарак томонлар ҳам кўп. Шу боисдан украин ва ўзбек маданий, жумладан, адабий алоқалари тез ва ҳар томонлама ривожланди.

Совет ҳокимияти йилларида ўзбек адиблари яратган энг яхши асарлар украин халқининг севимли китобларига, кардошларимиз ижод боғининг муаттар гуллари ўзбек халқининг ҳам бадиий меросига, бойлигига айланди. Украин адабиёти қадимий анъаналарга эга бўлган, жаҳонга машҳур ажойиб сўз санъаткорларини етиштирган ўзига хос ва ёрқин адабиётлардан биридир. Кардош украин халқи Тарас Шевченко, Иван Франко, Леся Украинка, Марко Вовчек, Михаил Коцюбинский каби жаҳонга машҳур классиклари, Максим Рильский, Александр Корнейчук, Павло Тичина, Микола Бажан, Ванда Василевская, Олесь Гончар, Иван Ле, Михайло Стельмах, Микола Нагнибеда, Юрий Яновский сингари атоқли шоир, ёзувчи ва драматурглари билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Украин халқининг ифтихори, миллий адабиётининг асосчиси Т. Г. Шевченко асарларининг ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилиши республикамиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлган эди.

Шоир асарларидан айрим намуналар ингилобдан илгари ёқ Туркистон вақтли матбуотида босилиб чиққан эди.

1939 йилда бутун мамлакатимиз Т. Г. Шевченко туғилган кунининг 125 йиллигини кенг нишонлаётган вақтда ўзбек шеърият ихлосмандлари буюк шоирнинг шеърлари ва позмаларидан биринчи гулдаста —«Кўбизчи» тўпламини олдилар. Улуғ кўбизчи асарларининг ўзбек тилида биринчи жаранглашида Ҳамид Олимжон, Амин Умарий, Ҳасан Пўлат, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Насрулло Охундий, Темир Фаттоҳ ва бошқа шоир, таржимонларнинг хизмати катта бўлди.

1954 йилда шоирнинг олтмишдан ортиқроқ поэма ва шеърлари яна «Кўбизчи» номи остида Ғафур Ғуломнинг сўнг сўзи билан босилиб чиқди. Кейинроқ 1959 йилда эса Шевченконинг деярли барча асосий поэтик ва прозаик ижодини ўз ичига олган икки томлик асарлари босмадан чиқди.

1962 йилда эса Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти шоир лирикасининг энг ажойиб намуналаринни тўплаган «Ўйларим, сиз менинг ўйларим» китобини босиб чиқарди.

Украина адабиёти классиклари Иван Франко ва Леся Украинка асарларини ҳам ўзбек китобхонлари она тилларида ўқимоқдалар.

Халқимизнинг чинакам дўсти, украин адиби Иван Ленинг «Тоғ оралиқлари» романининг биринчи китоби 1932 йилдаёқ ўзбек китобхонларига Абдулла Қаҳҳор таржимасида тақдим этилган эди.

Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик янада мустаҳкамланди. Минглаб ўзбек жангчилари Украина тупроғини душмандан озод қилишда жон олиб, жон бердилар. Украинадан эвакуация қилинган қардошларимизга халқимиз ўз уйининг тўридан жой берди, ота-онасиз қолган гўдакларнинг пешонасини силади. Иван Ле, М. Бажан, Н. Черешченко, А. Ильченко, Н. Ушаков, В. Влатко сингари машҳур шоир ва адиблар, жами ўттизга яқин украин ёзувчилари Тошкентда яшаб, ижод этганлар. Тез орада ўзбек тилида украин ёзувчиларининг бир неча тўпламлари нашр этилди. Украин шоирлари шеърларини ўз ичига олган «Ғазабли Украина», «Тезда қуёш чиқажак», М. Терешченконинг «Сўз ва шон», А. Ильченконинг «Қалб хотираси» сингари шеърий ва ҳикоя тўпламлари шулар жумласидандир.

Кўпгина украин шоир ва адиблари Тошкентда яшаган даврларида яратган асарларида ўзбек халқининг бағри кенглиги, меҳрибонлиги ва матонатини тараннум этадилар. Бу жиҳатдан машҳур украин сўз санъаткори Микола Бажанинг ўзбек боғбони таърифига бағишланган шеъри характерлидир:

Қушларнинг хонишн, бўри увлашн,
Ариқнинг шилдираб оқиши гўзал.
Қайрағочлар салқин соя тўшашн,
Ҳар бир ўткинчига роҳатдир ҳар гал,
Тутлар мевасига тўлар кенг олам,
Гўё ёққан каби ширали ёмғир,
Йўловчи бу ерда бўлар олса дам,
Гиламга ўтирса, шабада ғир-ғир.
Ким келса кутади сахий одамлар,
Ўзбек «салом» дейди кутиб меҳмонни,
Мевалар ортидан ширин таомлар,
Шакар шарбат қуяр, аямас жонни.

Украин адабиётининг ажойиб асарлари, яъни Олесь Гончарнинг «Байроқдорлар», «Повесть ва ҳикоялар», «Ҳаёт навоси», Михайло Стельмахнинг «Инсон тинининг энг яхши асарлари украин халқининг бадиий мулкига айланди. Ҳамзанинг «Майсаранинг иши», Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна», Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» пьесалари қардошларимиз муҳаббатига сазовор бўлди. Навоий лирикаси ва достонлари, Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Уйғун, Миртемир, Эркин Воҳидов, А. Мухтор шеърлари, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Одил Ёқубов романларини украинлар она тилларида ўқимоқдалар.

Ҳамид Олимжоннинг «Роксаннинг кўз ёшлари» балладаси, Уйғуннинг «Украина элляри» достони, Абдулла Қаҳҳорнинг «Олтин Юлдуз» повести, ёзувчиларимизнинг қатор шеър, очерк ва ҳикоялари Украина мавзуига бағишланган. Украина адиблари эса ўзбек халқи ҳаётини акс эттирувчи «Навоийга офарин» (М. Терешченко), «Профессор Буйко» (Яков Баш), «Тоғ оралиқлари» (Иван Ле), «Ўзбекистон шеърлари» (М. Бажан) сингари асарларини яратдилар. Ҳар иккала халқ ўртасидаги дўстлик, адабий алоқаларни янада мустаҳкамлашда бу асарларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Микола Терешченко ўзининг «Ҳамза» шеърида ўзбек халқига меҳр-муҳаббатини, унинг оташин шоирига таъзимини эҳтиросли ифодалаган:

... Улдириб бўлармн шоирни лекин,
Улдириб бўлармн шеъриятни ҳам!!
Шеър ва ҳаёт дея бўлди-ю, қурбон,
Қайтмади мақсади,
Маслагидан у.
То ҳаёт бор экан,
Бор экан инсон,
Тириклар қалбида яшайди мангу.

Украин —ўзбек адабий алоқаларининг сўнгги йилларидаги тараққиётида ҳар иккала адабиётнинг кейинги авлоди, талантли ёш бўғини ҳисса қўшмоқда. Бир-биридан қилинаётган таржималарнинг аксарияти ана шундай ёшлар зиммасига тушмоқда.

Ўзбек ва украин адабиётлари, бу адабиётларнинг атоқли ва ёш намояндалари ўртасидаги дўстлик алоқаси тобора кучайиб бораётганлигини кўрсатувчи яна кўплаб фактларни келтириш мумкин. Юқорида ҳикоя қилганларимиз эса қардошлик китобидан айрим саҳифалар, холос.

Раҳматилла ИНОҒОМОВ,
ТошДУ доценти.



СУРАТДА: Г. Веревка номидаги Украина Давлат халқ хорининг чиқиши.
К. Ромеев фотоси.

Бизнинг интервью

Чамбарчас ғоялар

Асқад МУХТОР,
Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси президиуми раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

— Менинг иш столимда икки севимли китоб ҳамиша кўзга ташланиб туради. Улар Алишер Навоийнинг украин тилида чоп этилган «Фарҳод ва Ширин» достони. Бу китобни украин шоири Микола Бажан ўзбек тилидан украин тилига таржима қилган. Ўзбекистон ҳукумати ана шу шоирнинг катта жасоратини муносиб тақдирлаб, унга Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси фахрий унвонини берган. Иккинчи китоб Тарас Шевченконинг ўзбек тилига ағдарилган «Кўбизчи» достони.

Бундай ажойиб мисолларни икки халқ маданияти тарихидан кўплаб келтириш мумкин.

Яқинда Украинада ўтказилган Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунлари маданиятимиз тарихида яна бир қувонарли воқеа бўлди. Унда таниқли шоир ва адибларимиздан Эркин Воҳидов, Темур Пўлатов, Абдулла Орипов, Ўлмас Умарбеков, Муҳаммад Солиҳ, Гулчеҳра Нуруллаева, Иброҳим Юсупов, Вячеслав Кастиря, Хайдар Осмоновлар қатнашиб украин қаламкашлари билан биргаликда дўстлик қўшиғини куйладилар.

Энди бўлса серқуёш диёримизда навбати билан украин биродарларимизни қучоқ очиб кутиб олдик. Қардошларимизнинг маданияти байрамида дўст адибларимиз Украина Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, СССР ва Т. Г. Шевченко номидаги Украина ССР Давлат мукофотларининг лауреати Иван Драч, адиблардан Анатолий Кравченко, Лина Костенко, Виктор Корж, Степан Пушик, Алла Тютюнник, Юрий Сердюк катта давламизга марҳамат қилишди. Биз улар билан учрашувларда ҳозирги пайтда мамлакатимизда олиб борилаётган қайта қуриш ва жадаллаштириш муносабати билан совет ижодкорлари олдида турган ўткир ва муҳим масалалар ҳақида фикрлашяпмиз. Бу масалалардан бири ўз-ўзидан маълумки экологик мавзуларни қамраб олади. Оролнинг тақдири биргина Ўзбекистонни эмас ва бошқа барча қардош республикалардаги дўстларимизни ҳам қизиқтирмоқда. Чунки бу ерга украин халқининг энг буюк маърифатпарвар шоири Тарас Шевченконинг оёғи етган. Шунинг учун ҳам Орол адиблар, санъаткорлар, барча китобхонлар ва меҳнаткашлар учун муқаддасдир.

Умри боқий қўшиқлар

Коммуна ИСМОИЛОВА,
Ўзбекистон ССР халқ артисти.

— Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек санъаткорлари группасида маршал Конев қўмондонлигидаги иккинчи Украина фронти жангчиларига концерт берганмиз. Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар Раҳимова раҳбарлигидаги бу концерт бригадасининг маҳорати совет жангчиларига жуда катта куч ва ғайрат бағишлаган. 1943 йилнинг куз фаслида Днепр дарёси атрофида бўлган машаққатли жанг кунларида «Казакиде-казаки», «Ой тумани», «Олға бос», «Қаҳрамонлар», «Зебохон» қўшиқларини куйладик. Ўшандан кейин орадан ўн йил ўтиши билан тинчлик кунларида Ўзбекистон маданияти вакиллари сафида яна бу қардош диёрга боришга тўғри келди. Биз Херсон, Измайлов сингари шаҳарларда концертлар бердик. Бу пайтда мен «Тракторчи Серёжа» қўшиғини ўргандим. СССР халқ артисти Тамарахоним ижросидаги «Украина — Ўзбекистон» қўшиғи менга катта илҳом берганлиги учун уни ҳам ижро этабошладим. Узоқ йиллардан буён тингловчига қадрдон ва севимли бўлиб қолган бу қўшиқнинг ўзига хос тарихи бор.

...Улуғ Ватан уруши йилларида Султон исмли ўзбек жангчиси Ғаля исмли украин қизи билан танишиб қолади. Улар ўртасида муҳаббат боғланади. Йигит жангни давом эттириб Ғарб томонга кетади. Севишганлар бир-бирини йўқотадилар. Урушдан кейин кутилмаганда учрашиб турмуш қурадилар. Султон Галяни Андижонга келин қилиб олиб боради. Улардан Дилором исмли қиз туғилади. Кейинчалик Дилором ҳақида ҳам «Диля капитан» деган қўшиқ яратилди.

Мен санъаткор сифатида ўзбек ва украин халқларининг қардошларча дўстлигини ана шу қўшиқлар воситасида бир кичик ирмоқ деб биламан.

Парвозда туғилганман

Мардлик қўшиқларн атрофин тутдн.
Дуч келган душманнн тутгудай ўққа.
Мен ва онам тушган самолёт учдн,
Партизанлар турган ўрмондан кўкка.
Ҳозирча маълуммас, эртага қадар,
Кнм тирик қолар-у, кнм бўлар ҳалок.
Исм танлашадн, бўлгандай мадад,
Туғилмаган менга
солдатлар шу чоқ.
Мен эса порлаган юлдузлар нчра
Парвозда туғилдим отамдан йироқ.
Йўргак бўлдн мен—чун— унутмам сира,
Жангчнннг қадоқлн қўлларн, оппоқ.
Жанг олдндан атроф жимжит ва сокнн
Бамнсолн отам ёнда тургандай.
Парвоздаман — меннг ккки қанотнм,
Отамга бенасиб қолган
ордендай...

Муқаддас АБДУСАМАТОВА таржимаси.

Леся УКРАИНКА

Тонготар машъаллари

Ҳорғин бу эл узра қанотин
Астагина ёйди қаро тун.
Шаъмлар ўчган зим-зиё ҳарён
Ётар ширин уйқуда жаҳон,
Тун борлиқни қамраган бутун.

Алам чекар ким бўлса бедор!
Ухлаганлар қандай бахтиёр!
Кўзларимга келмайди уйқу,
Атроф жимжит, атроф қоронғи
Сукут ичра гўёки мозор.

Кеча узоқ, тоқатларим тоқ.
Гўё туннинг сўнгги йўқ мутлоқ.

Шу тоб бирдан кўринди зиё,
Зулмат ичра касб этиб жило —
Узоқларда порлади чироқ.

Чироқ! Бериб қуёшдан хабар,
Тун бағрини тилкалаб ёнар,
Ёнар бўлмай уфқлар алвон,
Ёнар турмай уйқудан жаҳон —
Меҳнат аҳли ёққан машъаллар.

Тўлқин урар кўнгилда исён,
Уйғон, сени иш кутар, уйғон!
Ҳайда туннинг ғафлат уйқусин,
Ёқ тонготар машъалини сен,
Қуёш чиқмай, уйғонмай жаҳон!

Улкан баҳодир ҳақида эртак

Ҳали гўдак эканман
Тинглаганман бир эртак.
Бир бор эшитганману
Ёдимда кечагидек.

Уни қишлоқ боласи
Қилган эди ҳикоя.
Шу сабаб эртагимдан
Излаб ўлтирманг ғоя.

Содда қилиб сўзлаган,
Қишлоқ боласига хос,
Менинг айбим эртакни
Шеърга соламан, холос.

Биз боғда ўлтирардик,
Суҳбат қуриб ўша кун.
Оқшом уфқ қўйнида
Ўт ёқар эди гулгун.

Шамолда тебранарди
Бошимиз устида нок.
Не учундир ўша кеч
Кўнгиллар эди ғамнок.

Ака-сингиллар каби
Ўтирардик ёнма-ён,
Дилларда қўрқув эди,
Юракларда ҳаяжон.

Ҳар бир соя бизларга
Даҳшат соларди бу дам.
Чўчиб боқардик ҳатто
Майсалар тебранса ҳам.

Ҳаттоки қари нок ҳам
Сеҳрли туюларди.
Шитирлаган япроқлар
Сўзлашгандай бўларди.

Баланд-баланд тераклар,
Гўё бир мақсади бор —
Бизга қарши турарди,
Сафга тизилиб қатор.

Булар бари, дер Лаврин
(Дўстимнинг номидир бу)
Ўша улкан баҳодир —
Устида ўсар мангу.

Бир замонлар бағоят
Кучли эди баҳодир.
Ҳар қандай кишанларни
Пора қилмоққа қодир.

Уни енголмас эди
Бу дунёда ҳеч бир куч.
Ниҳоят у сеҳргар
Ғазабига келди дуч.

Сеҳргар ўтга ёқмай,
Сувга чўктирмай уни,
Улкан паҳлавон сари
Юборди тинч уйқуни.

Уйқу — ором, дейдилар,
Йўқ бу уйқу бир офат.
Ундан улкан баҳодир
Чекди қанчалар кулфат.

Бир зум тин олай, дея
Ёнбошлади паҳлавон.
Неча асрлар ўтди,
Ухлаб ётади ҳамон.

Уйқусида неча бор
Уни босди маккор ёв.
Этларин пора қилиб,
Қонин сўрди беаёв.

Қўл-оёғин душманлар
Банд этдилар кишанга,
Зуллукдай ёпишдилар
Ёвузлар мажруҳ танга.

Ҳаттоки юрагига
Қўллари етган замон —
Дард чекиб ётаверди,
Уйғонмади паҳлавон.

Фақат сўнгсиз оғриқдан
Қошларини чимирди —
Ўрмонлар, боғлар бўйлаб
Даҳшатли шамол турди.

Баъзан оғриқ зўр келиб
Қимирлаб қўйса ҳила,
Титроқ босар зўр танни,
Бошланади зилзила.

«Биз сендан қўрқмаймиз»,
деб
Ёвузлар қувонади.
Аммо улкан баҳодир
Тез кунда уйғонади.

Қўзғалади ўрнидан,
Янчади душманларни.
Парча-парча қилади
Зарб билан кишанларни.

Унга азоб берганлар
Кулга айланар шу он...»
Бола жим бўлди. Дедим,
Юрагимда ҳаяжон:
«Қачон уйғонади у?»
«Аниқ айтмоқлик маҳол.
Балки бир йил, балки кўп,
Лекин, юз берар бу ҳол».

Шу пайт шамол қўзғалиб
Дарахтларни силкитди.
Қўрқиб кетган қушлардек
Уй-уйга қочиб кетдик.

Эй, менинг она юртим,
Эй, севикли диёрим.
Шу эртак ёдга келар
Сени эсласам доим.

Эркин ВОҲИДОВ
таржималари.

Владимир ЗАТУЛИВИТЕР

* * *

Арчагул сўлмоқда ол бутазорда,
Далада юксалар жавдар — юлдузлар.

Тепага, осмонга эрта наҳорда
Ихтнёр сўрамай сапчнйдн кўзлар.

Қўлда омоч сопн. Уйда мунтазнр —
Оқ сочнқ остнда уч буханка нон.

Асрнй тажрнба-ю ўтроқлнк ташнр
Далалар, шудгорлар ва бнргнна дон.

Иш қизғнн, кўнгилда завқ бор пнкҳонй,
Ўғилларн мактабда. Майманжон—қийғос.

Сенда фнкр ва кун —барн нксонй,
Фақат кўзларнигда неднр қушга хос.

Мовнйлнк багрида бнр нз йўқ ҳатто,

Бошвоқснз зўр дарё қай ёққа елар!
Ерга, гўзалликка ҳам уйга вафо
Шу қадар шнрннкн, йнғлагннг келар!

Мирпўлат МИРЗО таржимаси.

Украин фильмлари

«Товушларда жаранглаган хотира»

...Мана, экранда Лисенконинг (актёр Федор Стригун) болалик ва ўсмирлик йиллари ўтган Гриньки қишлоғини кўрамиз. У бу қишлоқда деҳқон болалари билан дўстлашган ва украин қўшиқларини, миллий одатларини, анъаналарини ўрганган эди. Ўсмирлик пайтлари, шу ерда илк муҳаббати — деҳқон қизи Настенькани (актёр Ольга Сумская) учратганди.

...Киев, 1861 йил, май. Ўн тўққиз ёшли Микола университетдаги тенгқурлари билан Христорожденсвенск черковида ўтказилаётган буюк украин шоири Тарас Шевченконинг дафн маросимида иштирок этяпти. Худди шу кун бўлажак композитор Шевченко шеъриятига куй яратишга қарор қилади ва орадан бир неча йил ўтгач, «Кобзар»га ишланган музика» вокал туркумини яратади.

Бу кадрлар таниқли украин режиссёри Тимофей Левчукнинг «Товушларда жаранглаган хотира» картинасидан олинган. Т. Левчук кенг томошабинлар оммасига «Ковпак ҳақида ўйлар» трилогияси, «Киевлик қиз», «Бугадан Вислагача», «Душман таслим бўлмаса» каби фильмлар орқали жуда яхши, таниш. Мазкур картиналарда совет халқи Улуғ Ватан уруши йиллари кўрсатган мислсиз қаҳрамонлиги, ажойиб фарзандларимизнинг пўлатдай букилмас иродаси, она ерга бўлган чексиз муҳаббати тараннум этилган. Шунингдек, Т. Левчук ижодида жаҳон адабиёти ва маданияти арбобларига бағишланган асарлар муҳим ўрин тутади. «Иван Франко», «Коцюбинскийлар оиласи», «Оноре де Бальзакнинг хатоси» сингари бадиий фильмлар фикримиз далилидир.

Режиссёр янги «Товушларда жаранглаган хотира» фильмида украин композиторлари мактаби асосчиси, дирижёр, пианиночи, «Наталка Полтавка» ва «Тарас Бульба» сингари украин классик операларининг муаллифи Николай Витальевич Лисенконинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига муроажат қилади.

Фильм воқеалари анча улғайиб қолган таниқли композиторнинг 19 аср охири ва асримиз бошларида Киев бўйлаб сафари асосига қурилган. У сафар давомида ўтган кунларини эслайди, ёруғ ва қайғули дақиқаларни қайта бошдан кечиради.

Тимофей Левчук ўзининг бу янги картинаси орқали украин халқининг бой миллий мероси, ота-боболарининг қалб садолари бўлиб, асрлар давомида янграб келган куй ва қўшиқлари билан бизни таништиради. Ана шу куй ва қўшиқларга жўр бўлишга ундайди. Одамларни эзгуликка, инсонпарварликка чақиради.

Картина А. Довженко номли киностудияда яратилган. Оператор Эдуар Плучик.

Ш. ҲИДОЯТОВ.
СУРАТДА: фильмдан кадр.



Нима? Қачон? Қаерда?

5—9 ОКТЯБРЬ

«ЙИЛЛАРГА ТЕНГ КУНЛАР»

Бутуниттифоқ телевиденнеси Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб бир қатор кўрсатувлар тайёрлаб, кўп миллионли томошабинлар диққатига ҳавола этмоқда. Бу кўрсатувларда Улуғ Октябрь революцняси билан боғлиқ воқеалар ва пролетариатнинг улуғ доҳийси В. И. Ленининг ҳаёти ва ижоди саҳифалари қамраб олинган.

...1918 йил, баҳор. Совет ҳукумати Москвага кўчмоқда. Владимир Ильич Москвага кўчилган дастлабки ҳафталарда энг муҳим кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳал этишга киришади. Бу пайтда Советларнинг фавқулодда съезди, Брест сулҳи ўтказилиши керак эди. Ленин ана шу кунларда ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг кўплаб вакилларини қабул қилади, жадал ривожланиб бораётган ҳаётнинг бутун манзарасини ўрганишга ҳаракат қилади. У бу пайтда жуда катта аҳамиятга эга бўлган мақолаларни ёзаётган эди. Айтайлик, «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари»... Бу воқеалар «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари» кўп серияли ленталарнинг «1918. Баҳор» 3-фильмида акс эттирилган. Режиссёр В. Лисакович яратган бу картиналарда томошабинлар Н. Губенко, В. Светлова, В. Ливанов каби артистлар билан учрашади.

Пролетариат улуғ доҳийсининг сермазмун фаолиятига бағишланган бу фильмлар 5, 6, 7 октябрь кунлари биринчи программа орқали эрталаб ва кечқурун намойиш этилади.

«ОЛОВЛИ ЙЎЛЛАР»

Ўзбекистон телевидениеси Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб, Туркистонда бўлиб ўтган революцион воқеалар ва ундан кейин социалистик турмушни мустаҳкамлаш учун олиб борилган курашларга бағишланган «Оловли йўллар» кўп серияли телевизион бадиий фильмини такрорий равишда «Зангори экран»га чиқарди. Ўзбек совет маданиятининг асосчиси, янги ҳаётни баралла куйлаган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳақида ҳикоя қилувчи бу фильмнинг бешта серияси 5, 6, 8, 9, 10, 11 октябрь кунлари кечқурун соат 22 дан 05 минут ўтганда томошабинлар диққатига ҳавола этилади.

«МАННОН УЙҒУР»

Ўзбек совет театр санъатини ривожлантиришда катта ҳисса қўшган санъат даргаларидан бири атоқли режиссёр Маннон Уйғурдир. Шу кунларда унинг туғилган кунининг 90 йиллиги муносабати билан жойларда бир қатор тадбирлар олиб борилмоқда. Атоқли режиссёр Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек давлат академик драма театрида узоқ йиллар мобайнида жўшқин ишлаб, театр санъатимиз учун дурдона саҳна асарларини тайёрлаб қолдирди. Улар орасида биз севиб томоша қиладиган «Отелло», «Гамлет», «Алишер Навоий» сингари саҳна асарлари бор.

Театр коллективи шу муносабат билан Маннон Уйғур кўчасидаги Атоий маҳалласида бўлиб, санъаткорнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирда қатнашди. СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Саъдихон Табибуллаев, Жўра Тожиев, Икрома Болтаева, Ойдин Норбоева, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Тўлқин Тожиев, Тургун Хонтўраев ва бошқалар иштирок этиб, буюк санъаткор ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашдилар.

Ўзбекистон телевидениеси ҳам Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб саҳна усталари туркумидан тайёрлаган махсус кўрсатувида ана шу санъаткорнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида кўпгина фикрларни билиб олиш мумкин. Бу кўрсатув 11 октябрь куни биринчи программа орқали соат 18 дан 50 минут ўтганда намойиш этилади. Унда режиссёр саҳналаштирган «Отелло», «Гамлет», «Алишер Навоий», асарларидан парчалар кўрсатилиши мўлжалланган. «Зангори экран»да бўладиган учрашувда СССР халқ артистлари Сора Эшонтўраева, Зикир Муҳаммаджонов, Ўзбекистон ССР халқ артисти Замира Ҳидоятовларнинг иштирок этиши кутилмоқда.

САМАРҚАНДЛИК РАССОМ

Тошкент шаҳар ёдгорликлар муҳофазаси жамиятининг тарғибот уйида самарқандлик ёш рассом Музаффар Бекматов асарлари кўргазмаси очилди. Ғузал областнинг Қўшработ районидаги 68-мактабда ўқитувчилик қилаётган ва шу районда чиқадиган «Истиқбол сари» газетаси саҳифаларида ҳаваскор расмлари билан қатнашаётган бу рассом гўзал Самарқандниг тарихий ёдгорликлари ва гўзал табиатини рангтасвир асарларда акс эттиришга ҳаракат қилади. Унинг «Гўри Амир», «Баҳор», «Эрта баҳор», «Баҳорнинг бир куни», «Булутли кун», «Пангат манзараси» каби асарлари томошабинда қизиқиш уйғотади.

А. ПУЛАТОВ.

«Правда Востока» газетаси соврини учун

Баҳслар бошланди

«Искра» кинотеатрида «Правда Востока» газетаси соврини учун халқаро шашка бўйича ўтказилаётган «Қизил чиннигул» Бутуниттифоқ аёллар турнирининг тантанали очилиш маросими бўлди. СССР ва Ўзбекистон ССР гимнлари садолари остида собиқ жаҳон чемпиони Людмила Сохненко ва турнирнинг энг ёш қатнашчиси Гавҳар Норбекова мусобақалар байроғини кўтаришди. Шундан кейин қуръа ташланиб қатнашчиларнинг ўйин тартиблари белгиланди.

Бу сафарги турнирда икки халқаро классли гроссмейстер — Л. Сохненко ва Н. Янковская, икки спорт мастерлигига кандидат — Г. Норбекова, И. Мордухаева, шунингдек ўн спорт мастери иштирок этмоқда.

Тошкентдаги Округ офицерлар уйида дастлабки икки тур учрашувлари бўлиб ўтди. Бу беллашувларда Ольга Горелик муваффақиятли қатнашди. У Людмила Петрова ва Фаина Будаевани енгди. Ўзбекистондаги турнирларда беш марта иштирок этаётган бу ёш шашкачи ҳозирча пешқадамлик қилмоқда. Елена Мартьянова, Елена Читайкина, Татьяна Германова, Зоя Увачан эса бир яримтадан очко тўплашди. Шу ўринда Елена Мартьянованинг ғалабаси ҳақида алоҳида тўхталиш мумкин. У Татьяна Финчукни чиройли комбинациялар ишлатиб доғда қолдирди. Ленинградлик бу спортчи 1985 йилда Тошкентда ўтказилган «Тошкент тонги» Бутуниттифоқ турнирининг ғолиби бўлган эди.

Ольга Беляева, Нина Янковская эса ҳар икки учрашувни ҳам дуранг билан якунлашди. Улар одатдагича салтмоқли ва қизиқарли ўйин кўрсатишмоқда. Республикамизнинг энг ёш вакили Гавҳар Норбекова ҳозирча тажрибали рақибларига муносиб қаршилик кўрсатмоқда. У Е. Читайкина ва Т. Финчук билан очколарни баҳам кўрди. Бошқа икки вакилимиз — Ф. Будаева ва И. Мордухаева эса икки мартадан мағлубиятга учрашди.

Учинчи турда Людмила Петрова Ирина Мордухаевани енгди. О. Беляева эса Л. Сахненкодан енгилди. Татьяна Финчук Н. Белорицкаяни мағлубиятга учратди. Бошқа партиялар дуранг билан якунланди. Шундай қилиб, уч турдан сўнг 2,5 очко тўпланган Ольга Горелик пешқадамлик қилмоқда. Татьяна Германова Ольга Беляева, Елена Мартьянова, Зоя Увачан ҳисобида иккитадан очко бор.

Р. АДОНЬЕВ.

Жиноят содир бўлди

ҚЎЛГА ТУШДИ

● 29 август кечаси Чилонзор массивининг 2-кварталида номаълум шахс Е. Ефименкога тўсатдан ташланиб, унинг қўлидаги сумкасини олиб қочиб кетганлиги факти қайд этилган эди. Сумкада унинг паспорти, янги уй олиш учун берилган ордери, фарзандларининг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалари, 33 сўм пули бўлган. Чилонзор район ички ишлар бўлими ходимларининг зудлик билан кўрган чора-тадбирлари туфайли «С» исмли гражданин қўлга олинди. Ҳеч қаерда ишламайдиган бу шахснинг жиноятга даҳлдор эканлиги аниқланди.

● 25 сентябрда Юнусобод массивининг 5-кварталидаги 3-уй ертўласи қулфи зулфини суғуриб номаълум шахс Д. Кальяновнинг квартирасига кирган ва унинг озиқ-овқат маҳсулотларини ўғирлаб кетган. Киров район ички ишлар бўлимининг ходимлари 27 сентябрда жиноятчини аниқлашга ва қўлга туширишга муваффақ бўлишди. У шу массивда истиқомат қиладиган, ҳеч қаерда ишламайдиган «К» исмли шахс экан.

● 28 сентябрь кундузи Чехов кўчасида жойлашган 1-болалар поликлиникасида эшиги очиқ қолдирилган медицина ҳамшираси Н. Ҳалимованинг кабинетидан унинг сумкаси ўғирлаб кетилган. Ленин район ички ишлар бўлимининг ходимлари Ёдгоров ва Пестеровларнинг зудлик ва ҳушёрлик билан амалга оширган тадбирлари туфайли ўғри аниқланди ва қўлга олинди.

ЎҒРИЛИК

● 29 сентябрь кечаси Луначарский шоссесида жойлашган «Ташхлеторг»нинг 18-магазини дераза ойнасини синдириб номаълум шахс ичкарига кирган ва 172 сўм пулни ўғирлаб кетган.

● 27 сентябрда Куйбишев районидаги Багратион кўчасида истиқомат қиладиган А. Гулиевнинг эшиги синдирилиб, унинг квартирасидан иккита гилам, киймлари ва «Электроника» магнитафонни ўғирлаб кетилган.

● 28 сентябрь кундузи Жасорат кўчасида истиқомат қиладиган Р. Насметованинг уйидан унинг кийим-бошлари ўғирлаб кетилган. Бу жиноят дераза ойнасини олиб, ичкарига кириш билан амалга оширилган.

● 28 сентябрь кундузи номаълум шахс Космонавтлар проспектида истиқомат қиладиган М. Насимованинг квартираси эшигини калит билан очиб ичкарига кирган ва Японияда тайёрланган «Шарп-666» магнитафони, зар буюмлари ва уч процентли заём облигацияларини ўғирлаб кетган.

● 29 сентябрь кундузи номаълум шахс 4-Олтинкўл тор кўчасида истиқомат қиладиган М. Рўзмеванинг очиқ қолдирилган деразасидан ичкарига кириб, унинг зар буюмлари, тилла занжири, тақинчоқлари ва зирагини ўғирлаб кетган.

● 28 сентябрь кечаси Луначарский шоссесидаги 117-уй олдидан икки номаълум шахс Тошкент политехника институтининг студенти М. Анининг қўлидан сумкасини олиб қочиб кетишган. Сумкада унинг пули, зачёт дафтарчаси ва тилла занжири бўлган.

АВТОМОБИЛЬ ТОПИЛДИ

● 28 сентябрь соат 22 дан 30 минут ўтганида «Шодлик» ресторани олдида турган Калинин районида истиқомат қиладиган М. Маҳмудовнинг «К 25-77ТШ» рақамли «Газ — 24» автомобили олиб қочиб кетилганлиги ҳақида хабар олинган эди. Ички ишлар бўлимининг ходимлари Тошкентбоев ва Эгамбердиевларнинг зудлик билан кўрган чора-тадбирлари туфайли машина топилди. Унинг ичида Оржоникидзе районида истиқомат қиладиган ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Кибернетика» институтида инженер бўлиб ишлайдиган М. Мирҳайдаров ўтирган эди. Тергов ишлари олиб борилмоқда.

ФИРИБГАРЛИГИ УЧУН

● 29 сентябрь соат 13 дан 45 минут ўтганида икки аёл Морис Торез кўчасида фол очиш баҳонаси билан С. Мирзаевани тилла занжирини олиб қўйишган. Бу аёллар қўлга олинди. Улар Пушкин кўчасида бошқа гражданларнинг буюмларини олиб қўйганликлари аниқланди. Гувоҳлар аёлларни танишди.

ҚИДИРИШ ТЎХТАТИЛДИ

● 24 сентябрь соат 16 да Марказий универсал магазинда Наманган шаҳрида истиқомат қиладиган 13 ёшли Х. Ҳакимов йўқолиб қолган эди. У топилди ва ота-онасига топширилди.

Ўзингиз учратган жиноятчилар, тартибсизликлар, уларга сабаб бўлган кишилар ҳақида 33-71-47 ёки 56-99-10 телефонлари орқали хабар қилишингизни сўраймиз.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ТошДАВЛАТ АКАДЕМИК ... ТЕАТРИДА — 6/X да Сон-фариштa, 7/X да Концерт.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/X да Кўр-... 7/X да Ойна.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ... БЕК ДАВЛАТ МУЗЫКА ТЕАТРИДА — 5/X да Ёшлик берган кўнгил, 7/X да Ке... ғондир чўлда юлдузлар.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЁШЛАР ТЕАТРИ-ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/X да Чернобыль алангаси.

Кино

5 ОКТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — УКРАИНА ФИЛЬМЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ.

Москва — «СЕВГИ САРОЙИ» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

Нукус — «ЗЎР УТИРИБМАН» (19, 20.45), «АПЕЛЛЯЦИЯ» (17.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «СЕВГИ САРОЙИ» (жуфт соатларда ва 21.30 да).

Искра — «ХАВФЛИ ГАСТРОЛЛАР» (16, 18, 20.00).

К. Ерматов номли — «ГУЛ МОНТЕ-КРИСТО» (16, 18.50, 21.00), «ДЕМИДОВЛАРГА» (12, 17, 20.00).

Қозоғистон — «АФРОДИТА НИНГ СОВҒАСИ» (хар соатда).

Ватан — «ТУНГИ ЎЙРИН» (12, 16, 20.00), «КАПАБЛАНКА» (14, 18, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИ СОТУВДА» (жуфт соатларда).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕРУВЧИ ТЕЛЕФОНЛАР

Санъат саройи 44-21-44, 21-34, 44-21-74.

Ватан — 74-30-38.

Чайка — 77-06-20.

Москва — 33-05-01.

Тошкент Советининг 50 йиллиги — 77-47-25.

Восток — 91-14-61.

Лисунов номли — 98-30-52.

Искра — 39-14-59.

Нукус — 46-46-55.

Дружба — 67-96-87.

ВЛКСМ 30 йиллиги — 33-30-52.

Шаҳар кинотеатрида халқимиз кўрсатиш маданиятини юксалтириш юзасидан тақдим истаклар билан Тошкент ... ҳар ижроия комитети ... лаштириш бошқармаси ... 37-11 телефон номери ... мурожаат қилинсин.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1-«ПРОПАГАНДИСТ» ... 42-«СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ КИТОБЛАРИ» ... магазинларида

Ўзбекистонда Украина ССР Маданият кунлари доирасида

УКРАИНА НАШРИЁТЛАРИ ЧОП ЭТГАН

Китоблар савдо-кўргазмаси ЎТКАЗИЛАДИ

Магазинларимизга ... келибсиз!

Магазинларнинг адреслари:

1-Пушкин кўчаси, ... -1, 6-корпус. Телефон ... 27.

42-Самарқанд Дарвоза часи («Москва» меҳмонхонаси ёнида).

«Ташкнига» шаҳар ... савдоси идораси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган ... маълумотга эга бўлган ... ларни

Ёнғиндан сақлаш ... зацияси электр-монтёрлари касби бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқувчилар 75 сўм ... мида стипендия олади...

Бошқа шаҳарлардан ... ганлар ётоқхона билан ... миланадилар.

Ўқиш муддати — 10 ...

Справкалар ва йўлланма олиш юзасидан ... йидаги адресга мурожаат ... линсин: Тошкент ... Пролетар кўчаси, 4-уй, подъезд, 5-хона ва район ... роия комитетлари ҳузуридаги аҳолини ишга жойлаштириш район пунктлари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР — РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА
СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН
«А» класси 3 зонаси 2-лига командалари ўртасида

ХОККЕЙ

7-8 октябрда
«БИНОКОР» (Тошкент)— «СПУТНИК» (Нижний Тагил).

25-26 октябрда
«БИНОКОР» (Тошкент)— «РУБИН» (Тюмень).

Ўйинлар шанба ва якшанба кунлари соат 17.00 да, иш кунлари 18.30 да бошланади.

Танаффус вақтида спорт-буюм лотереяси тиражи ўйналади. Тиражда мотоциклар, мопедлар, велосипедлар, телевизорлар, магнитафонлар, чинни ва бошқа турли спорт тренажерлари ўйналади.

Спорт-буюм лотереяси билетлари кириш билетлари билан бирга «ЮБИЛЕЙ» Марказий спорт зали кассаларида сотилади.

Справкалар учун телефонлар: 46-07-53, 46-68-77, администратор; 46-03-12, 46-70-31 —касса.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА
6 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА
СССР биринчилиги учун
«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ЧЕРНОМОРЕЦ» (Одесса).
1 лига командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Коллектив заявкалар қабул қилинади. Телефон 41-30-23.

«МЕҲНАТ РЕЗЕРВЛАРИ» БУТУНИТТИФОҚ БОЛАЛАР СПОРТ ЖАМИЯТИНИНГ ЎҚУВ-СПОРТ БАЗАСИ
(Волгоград кўчаси, 81-уй, метронинг «СССР 50 йиллиги» станцияси)

«Меҳнат резервлари» Бутуниттифоқ болалар спорт жамияти олимпия резервларини тайёрлашга ихтисослашган болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг сузиш, эркин кураш, классик кураш, дзюдо (ўсмирлар ва қизлар), бокс, енгил ва оғир атлетика, футбол, ёйдан ўқ отиш тайёрлов группалари машғулотларига

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Биринчи йили тайёрлов группаларига яшаш жойидаги поликлиника врачи рухсат этган 8-12 ёшдаги болалар қабул қилинади. Машғулотлар ҳафтада уч марта ўтказилади. Таълим учун ҳақ тўланади. Абонент баҳоси —1 ойга 3 сўм.

Бир йиллик ўқиш якунига кўра белгиланган нормативларни бажаргандан сўнг, ёшлар спорт мактаби ўқувчилари сафига қабул қилинадилар. Ихтисослашган болалар спорт мактабида ўқиш —бепул.

Абонементларни 30-хонадан ҳар ойнинг 10 числосидан 30 числосигача, соат 15 дан 19.00 гача, шанба куни —соат 12 дан 15.00 гача олиш мумкин.

Дам олиш куни — якшанба, душанба.


ТОШКЕНТ ШАҲАРИ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ
7 ОКТЯБРДА
ТОШКЕНТ ШАҲРИ КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИДА
СОВЕТ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИГА БАҒИШЛАБ

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР ТЕМАТИК НАМОЙИШИНИ ЎТКАЗАДИ

«ҚОЗОҒИСТОН» КИНОТЕАТРИДА
7 октябрда — ШАҲАР КОМИТЕТИНИНГ СЕКРЕТАРИ. ПОРТРЕТГА ЭСКИЗ.
«НУКУС» КИНОТЕАТРИДА
7 октябрда — ЗАРЯН ДЕПУТАТЛАРИ.
«ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА
7 октябрда — САЛОМ, ЛАРИСА.
«ЎЗБЕКИСТОН ССР 25 ЙИЛЛИГИ» НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
7 октябрда — ВЛАДИМИР ЧИЧЕРОВ.
«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
7 октябрда — ИЖРОИЯ КОМИТЕТ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.
«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА
7 октябрда — ЕШЛАРГА ИШОНЧ.

Ёнғиннинг олдини оласиз...





Эски моделдаги рангли телевизорларнинг ўз-ўзидан қизиб кетиши квартирангизда ёнғин чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Шу муносабат билан 1976—1979 йилларда чиқарилган 711, 714 ва бошқа моделлардаги кинескопи диагонали га 59 ва 61 сантиметр бўлган телеаппаратура эгаларидан яшаш жойларидаги телеательега мурожаат қилишларини ва ТВС-90ЛЦ-5 трансформаторларини ёнмайдиган вариантига алмаштириш юзасидан профилактик ишларни ўтказиш учун буюртма беришларини сўраймиз.

Трансформатор ҳамда механик бажарадиган ишлар учун телевизор эгалари ҳақ тўламайдилар.

БУЮРТМА БЕРИШНИ КЕЧИКТИРМАНГ!

Ёнғин фақат мол-мулкингизга зарар етказиб қолмай ҳаётингизга ҳам хавф туғдириши мумкин.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ: электр тармоғига уланган телевизорни ҳеч қачон назоратсиз қолдирманг!

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«Семурғ»— таклиф қилади

ЎЗ ТАҚДИРИГА ФАОЛ ТАЪСИР ЭТИШНИ ХОҲЛОВЧИ БАРЧА КИШИЛАРНИ ОИЛА ҚУРИШДА ЁРДАМ КЎРСАТУВЧИ «СЕМУРҒ» ПСИХОЛОГИК МАРКАЗИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Сиз ўзингизга ҳамфикр, оила қуришингиз мумкин бўлган ягона инсонни топишда шу вақтга қадар тасодифга умид боғлаб келган бўлсангиз, энди сизга бунда электрон-хабарчи система ЭОС (уни тонг маъбудаси деса ҳам бўлади) ёрдам беради. ЭҲМ ёрдамида хизмат кўрсатувчи бу марказ ўзингизга хос умр йўлдошни топишни енгиллаштиради.

Агар сиз дилкаш бўлишни, зиддиятларни хал этиб, яхши муносабатлар ўрнатишни, ички гармония ва психологик импровизациянинг қадрини билишни; агар сиз ахборотлар оқимини ўзлаштира олишни ва бир кечада бир қанча қалин журналларни ўқиб туришни истасангиз — бизнинг марказимизда мулоқот психотехникаси, шахсни гармонизациялаш, роль тренинги (18-36 ёшдагилар учун) группалари, тез ўқиш ва ёдда сақлашни машқ қилиш (ҳамма хоҳловчилар учун) группалари мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда.

Агар ўз шахсий муаммоларингиз бўлса — психолог, психотерапевт, врач-сексолог, нарколог, юрист мутахассислар малакали аноним ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилинади.

СИЗЛАРНИ «СЕМУРҒ»га иш кунлари соат 16 дан 21.00 гача, шанба кунлари соат 11 дан 17.00 гача таклиф қиламиз.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 8 «В» уй (метронинг — «Комсомол» станцияси). Телефонлар: 45-45-51, 45-36-68).

Ўқишга марҳамат!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
43-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1-3 йил.

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: БЎЁҚЧИ ВА СУВОҚЧИЛАР, ДУРАДГОРЛАР, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИЛАР, КОНСТРУКТОР-МОНТАЖЧИЛАР.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганлар ўзлари танлаган мутахассисликлари билан бирга ўрта маълумот тўғрисида аттестат ҳам оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирган ўқувчилар техникум ва олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма оладилар ҳамда имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Ўқишга қабул қилинганлар кунига 3 маҳал бепул овқат, формали ва махсус кийимлар билан таъминланадилар.

10-синфни битирганлар ҳар ойда 30 сўмдан стипендия оладилар.

Булардан ташқари ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасида ишлаган ҳақларининг 50 процентини мукофот тариқасида оладилар.


Билим юрти қошида танлаган касблари бўйича тўгараклар мунтазам равишда иш олиб боради.

Ўқувчилар ёзги каникулни Чимёнда жойлашган лагерда ўтказишлари мумкин.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: билим юрти директори номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги ҳужжат, маълумотни ҳақидаги шаҳодатнома, турар жойидан справка, соғлиғи ҳақидаги справка, 3x4 см. ҳажмида 4 дона фотосурат.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (дам олиш кунидан ташқари) СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, 7-квартал (25, 28, 29-трамвайларнинг охирги бекати).



«Тонг»— ётоқхона мебели

«ТОНГ» ЁТОҚХОНА УЧУН МЕБЕЛЛАР ТЕРМАСИ — ЧИРОЙЛИ ВА ҚУЛАЙ.

У УЧ ЭШИКЛИ КИЙИМ ШКАФИ, ИККИТА БИР КИШИЛИК КАРАВОТ, ИККИТА ТУМБОЧКА, УЧ ТАБАҚАЛИ ТОШОЙНА ВА БАНКЕТАДАН ИБОРАТ.

МАЗКУР ТЕРМА ҚИЗИЛ ЁҒОЧДАН «ТОШКЕНТ» МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА ТАЙЁРЛАНГАН.

Баҳоси — 762 сўм.

БУ ТЕРМА «МЕБЕЛЬ» (Юнусобод массиви 8-квартал, 39-уй) ва «ТОШКЕНТ» (Магазин-Мавзук кўчаси) ФИРМАЛИ МАГАЗИНЛАРИДА СОТИЛМОҚДА.

«УЗБЕКПРОЕКТМЕБЕЛЬ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон 55-22-89).

Аниқ, ўзига хос, чиройли!



БУНДАЙ СОАТЛАР КВАРТИРАНГИЗ ЖИҲОЗЛАРИ ҚАТОРИДАН МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИ. УЛАРНИ БУРАШ ШАРТ ЭМАС, БАТАРЕЯ ОРҚАЛИ ҚУВВАТ ОЛАДИ.

«ТАШКУЛЬТТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДА «ЯНТАРЬ», «ЭЛЕКТРОНИКА», «АНТАРЕВ» СОАТЛАРИ БОР.

Баҳоси — 40 сўм.

«ТАШКУЛЬТТОРГ» (телефон 45-37-24).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ, СТУДЕНТЛАР, ИЛМИЙ ХОДИМЛАР ДИҚҚАТИГА!

Курс ва диплом ишларини ёзиш, шунингдек «Информатика» дарс ва машғулотларида сизга МИКРОКАЛЬКУЛЯТОРЛАР керак бўлади.

„ЭЛЕКТРОНИКА"

«ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМАЛИ МАГАЗИН-САЛОНИ

Сизларга энг замонавий ва программалаштириладиган микрокалькуляторларни таклиф этади. Улар пишиқ ва пухта ишланганлиги, кенг миқёсда ҳисоблаш имкониятларига эгалиги, замонавий эстетик жиҳозланиши билан ажралиб туради:

«ЭЛЕКТРОНИКА МК-61» МИКРОКАЛЬКУЛЯТОРИ — 105 одимли программада, адресланадиган 15 хотирлаш регистрларига эга.

Баҳоси — 85 сўм.

Киев шаҳрида тайёрланган.

Мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, студентлар, инженерларга энергияга боғлиқ бўлмаган ҳолда хотирлаб қолувчи «ЭЛЕКТРОНИКА МК-52» микрокалькуляторини тавсия этамиз.

Бу микрокалькуляторда автоматик тарзда бажариладиган операциялар миқдори — 65 та. Энергияга боғлиқ бўлмаган ҳолда хотирада ёзиб қолинадиган ахборотларнинг максималь миқдори — ҳар қайсиси 98 одимдан 5 программа.

Баҳоси — 115 сўм. Киев шаҳрида тайёрланган.

Бу микрокалькуляторларни мактабларнинг «Информатика» кабинетлари, илмий ходимлар учун тавсия этамиз.

Бизнинг адрес: 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй. Телефон 33-78-34.

ТОШКЕНТ оқшоми
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмушн ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-34; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-58-85; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 0961. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б. 2480. Тираж— 75.131. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10